2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

6 (556)

2007 йил 7 февраль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Сизоб сувлар сатҳи пасайди...
▶ Бир уй жонни ёққан қиз...

3 ▶ Ҳарбий қисмдаги хайриҳоҳларимиз
▶ «Тўхташ жойи» нархи қанчада тўхтайди?

4 ▶ Нинабарг дарахт — кўчкидан паноҳ
▶ Мадраса гумбазига ...ўғри тушди!

Парламент қўмитаси йиғилишида

ОМБУДСМАН ҲИСОБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти ҳисоботи кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда омбудсман қонун ижодкорлиги, хусусан, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2006 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмиталарида 10 та қонун лойиҳасини такомиллаштиришга ҳисса қўшган. Шунингдек, омбудсманга хорижий мамлакатлар ва минтақалардан, юртимиздаги турли вазирлик, ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда фуқаролардан инсон ҳуқуқларига доир турли масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушганди. Ўтган йилда ана шундай мурожаатлар омбудсман томонидан ўрганиб чиқилиб, тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган ва назоратга олинган.

Республика Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида ушбу мурожаатлар таснифи келтирилди.

Йиғилишда шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмани) С.Рашидова маъруза қилди.

МУХБИРИМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси

Йиғин раислари ўқуви

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА!

Оқсоқоллар малака оширмоқда

Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2006 йил 26 декабрда тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчиларига қулайликлар туғдириш мақсадида машғулотлар 4 та ҳудудда — Кўнғирот, Нукус, Чимбой ва Бўстон шаҳарларида ташкил этилди. Ўқув-семинар тадбирларида "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ва Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш жараёни", "Маҳалла" хайрия жамғармасининг таркибий тузилмаси, унинг вазифалари ва ваколатлари, жамғарманинг фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни" каби ўнлаб мавзуларда маърузалар қилинди. Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат юридик институти, "Маҳалла" жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва тегишли вазирликларнинг малакали мутахассислари томонидан ўтказилди. Тадбирда айниқса, хотин-қизлар, ёшлар тарбиясига оид масалаларга катта аҳамият берилди. Амалий машғулотлар ўтказилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

Шунингдек, тадбир давомида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурида белгиланган вазифалар ижроси, фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ ва бурчлари, маҳаллалар фаолиятини режалаштириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан ҳам тавсиялар берилди. Бундай мақсадли ўқув-семинар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтади.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Маҳалла фаоллари муносиб мукофотланибди...

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

"ГОҲ БЎСТОНИ ДИЛКУШО ИЧРА..."

Алишер Навоийнинг Самарқандда кечган йиллари ҳақида қайдлар

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда халқимизнинг улуғ мутафаккир шоири, жаҳон адабиёти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аллома — Алишер Навоий номи билан аталувчи кўркам ва муаззам Миллий боғ яратилди. Айни чоғда вилоятларимизда ҳам улуғ бобокалонимиз шарафига янгидан-янги боғлар барпо этилди.

Самарқанд шаҳрининг сўлим гўшаларидан бири — Алишер Навоий номидаги Марказий истироҳат боғи бутунлай янгиланди. Боғнинг бугунги жамоли қарийб 700 йил илгари Самарқанд атрофида бунёд этилган машҳур Амир Темур боғлари монанд. Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор ва Боғи Шамол — Амир Темурнинг энг машҳур боғларидир.

Соҳибқирон бобомизнинг гўзал боғ-роғлари, маҳобатли иншоотлари сеҳру суруридан Алишер Навоий ҳазратлари кўп бор ҳайратга тушган, илҳомланган. Навоий қаламига мансуб: "Гоҳ бўстони Дилкушо ичра..." сатри шоирнинг шу мавзудаги дилбар асарларидан бирининг дебочасидир. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанддаги бу боғ Алишер Навоий номи билан аталгани айни муддао бўлди.

Давлатимиз раҳбари бундан бир ярим йилча илгари боғдаги ўзгаришлар билан танишиш асносида, ушбу ёдгорликнинг ўрнатилишини Самарқанд аҳлининг улуғ шоир ва мутафаккирга бўлган юксак эҳтироми ифодаси, деб баҳолади.

Алишер Навоий Самарқандда 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача яшаган. Ҳазратнинг она шаҳри Ҳиротдан Самарқандга келишининг туб сабаблари тарихий манбаларда ўша даврдаги нотинчликларга боғлаб талқин этилади. Маълумки, Алишер Навоийнинг болалиги Хуросонда темурийзода подшоҳ Шоҳрух ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. Шоҳрух вафот этгач, тахтга даъвогарлар орасида ўзаро кураш бошланади. Уруш-жанжаллар кўп кишиларни, шу жумладан, Навоий оиласини ҳам юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кўчиб юришга мажбур этади.

Шу маънода, гарчанд Алишер Навоий устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ўзининг Ҳиротдан Самарқандга келишини "беихтиёр қилинган сафар" деб эътироф этган бўлса-да, аввало, бу шаҳар шоирнинг оворагарчиликларига хотима қўйган, унга кейинчалик Ҳирот тахтини эгаллаган Ҳусайн Бойқаро таклифи билан пойтахтга қайтиш ва эл-юрт хизматига астойдил киришиш олдидан нафас ростлаб олиш имконини берган шаҳар экани билан қадрлидир.

Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Ҳожибек асли ҳиротлик, яъни Навоийнинг ҳамшаҳри бўлиб, Вафоий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Алишер Навоий қаламига мансуб "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг олтинчи мажлиси Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Ҳожибекка бағишланган мақола билан бошланади. Шоир у ҳақда, жумладан: "Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур", дейди. Шаҳар ҳокимининг ёрдамида Навоий давлат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлайди.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоийнинг Самарқанддаги сиёсий ва давлат бошқаруви бўйича фаолияти юқори баҳоланиб, унга "Чиғатой амири" унвони берилган. Вақт ўтиб Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазир, вилоят ҳокими лавозимларида ишлаган. Навоий саройда мансаб эгаси бўлганида ҳам, вазирлик мансабини ўз истаги билан топширганидан кейин ҳам куч-ғайратини юрт ободлиги, мамлакат осойишталиги, халқ фаровонлиги ва илм-фан равнақи йўлида сарфлайди.

Алишер Навоий Самарқандда Улуғбек расадхонасида икки ой давомида фалакиёт, илми нужумдан таҳсил олади. Ислом қонуншунослиги фанининг йирик вакили Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий мадрасасида илм ўрганади, алломанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади.

Буюк шоир Самарқандда кўплаб дўстлар орттиради. У Мирзобек, Мирзо Хожа Сўғдий, Ҳаримий Қаландар, Риёзий Самарқандий, Саид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафоий, Амир Суҳайлий каби ижодкор дўстлари ҳамроҳлигида Алойи Шошиий, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хисрав мударрислик қилиб турган мадрасаларда дарс олиб, турли фанларга оид билимини янада чуқурлаштиради, суҳбат ва мунозараларда қатнашади. Хусусан, Навоий Амир Шайхам (Амир Суҳайлий) билан қалин дўст бўлган ва уни "Ёри азиз" дея ардоқлаган бўлса, ёш шоир Мирзобек ҳақида меҳр билан: "Мирзобек фарзанд масобасида эрди", деб ёзади.

Давоми 2-саҳифада



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

КЎП БИЛАН КЕНГАШИБ...

Бахмал туманидаги Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғинида 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Моргузар тоғ тизмалари бағридаги бу ҳудудда турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбеклар ва қирғизлар қадимдан бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келмоқда.

Фуқаролар йиғини маркази — Қирққишлоқда ишга туширилган 450 ўринли иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бахмаллик ёшлар саккиз мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

— Қишлоқда бундай билим маскани бўлишини аввалларида тасаввур ҳам қилмаганмиз, — дейди шу қишлоқлик кекса ўқитувчи Ҳабибулло ота Нодиров.

— Ҳудудимиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашадиган ҳомийларимиз кўпаймоқда, — дейди Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ирисбой Соипов. — Айниқса, 140 нафар фермеримиз боғдорчилик ва чорвачиликдан олаётган даромадларидан салмоқли қисмини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларига ажратаётгани қувонарли. Қишлоқ фаоллари билан маслаҳатлашиб, ҳомийлар кўмагида эски стадионни замонавий спорт мажмуасига айлантириш, йўлларни таъмирлаш, "Чоршанба" деҳқон бозорини ободонлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

"НИТРОФОС" БОШҚАЛАРДАН АФЗАЛ

"Самарқандкимё" очиқ акциядорлик компаниясида нитрокальцийфосфат (нитрофос) ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Нитрофос қишлоқ хўжалигида кўп фойдаланиладиган фосфорли ўғитлардан бир қатор жиҳатлари билан афзал ҳисобланади. Бу унинг таркибида азот ва фосфордан ташқари кальцийнинг ҳам борлигидир.

Маълумки, ҳозир кальций етишмаслиги оқибатида кўпгина қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кутилганидек бўлмаяпти. Нитрофосдан фойдаланиш эса бунинг олдини олади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Йил дастури ижроси муҳокамада

МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган очиқ мулоқот "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллаларнинг вазифаларига бағишланди. Унда вилоятдаги 574 маҳалла оқсоқоллари, шаҳар ва туман маҳалла оқсоқоллар Кенгашларининг раислари ҳамда тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев мулоқотни бошлар экан, аввало мамлакатимиз Президенти томонидан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурининг мақсад, мазмун ва моҳияти ҳақида батафсил тўхталди.

Давлат дастури аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг кам таъминланган тоифалари ва оилаларига, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш борасида маҳаллаларнинг тутган ўрни ва роли ҳақида муфассал сўз юритди.

Шундан сўнг савол-жавоблар бошланди. Ҳоким йиғилиш қатнашчиларидан тушган элликдан ортиқ саволга жавоб қайтариб, бошқа саволларга ҳам тез кунлар ичида ёзма равишда жавоб қайтарилишига ваъда берди.

Давлат дастури талабига мувофиқ ҳар бир шаҳар, туман, аҳоли пункти бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, фермерлар, тадбиркорлар 2-3 тадан оилани ҳимояга олишлари юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Мулоқотда коммунал ва савдо хизматини яхшилаш билан боғлиқ муаммолар ечими тўғрисида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви фаолиятидан

САРҲИСОБ ЯНГИ РЕЖАЛАРГА ЗАМИН ЯСАДИ

Газетамизнинг аввалги сонида хабар қилинганидек, яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2006 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов маъруза қилди. Нотиқ мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар самараси ҳар бир йиғин, қолаверса, ҳар бир фуқаро ҳаётида акс этаётганини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, нотиқ жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар мазмун-моҳиятини одамларга етказиш борасидаги чора-тадбирлар етарли эмаслигини, шу боис жойларда, айниқса, маҳаллаларда маърифий-маданий тадбирларни янада жонлантириш, энг муҳими, бу тадбирларнинг таъсир кучини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини уқтирди.

Пленум ишида жамғарманинг Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлимлари раислари, йиғинлар фаоллари, Республика хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари қатнашдилар ва сўзга чиқдилар. Жамғарма бошқаруви, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди ва фаолият якунлари қониқарли, деб топилди.

СУРАТДА: *мукофотланганлардан бир гуруҳи*

Пленумда жорий — Ижтимоий ҳимоя йилида жамғарманинг республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган вазифалар кўлами белгиланди ва янги режалар муҳокама этилди.

Шунингдек, пленумда жамғарма томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", "Маҳалла жонкуяри", "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи", "Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси" кўрик-танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Уларга Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, ушбу тадбирда "Mahalla" газетасига жорий йил учун обуна ишларида уюшқоқликка эришган ва бу борада энг юқори кўрсаткичларга эришган жамғарманинг вилоят бўлимларига Фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар топширилди. Жумладан, Тошкент вилояти бўлими компьютер жамланмаси, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳри бўлимлари рангли телевизор, ҚҚР бўлими эса рағбатлантирувчи совға билан тақдирланди.

М.ҚОСИМОВА

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Андижон вилояти

Фаолиятда ҳамкорлик

"ВАТАНПАРВАР" — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш руҳида тарбиялаш давримизнинг муҳим вазифаларидан бири. Бу борада, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Чунки бола тарбияси оиладан, маҳалладан ва мактабдан бошланади. Шу боис, кўзланган мақсадга эришиш учун маҳалла тизими ходимлари давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда турли маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишяпти. Айниқса, маҳаллаларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан биргаликда олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда.

Яқинда Хонобод шаҳрининг Абдурауф Фитрат номли маҳалласида ўтказилган тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларда ҳарбий-ватанпарлик туйғусини шакллантиришга қаратилган эди. Унда "Ватанпарвар" ташкилотининг шаҳар кенгаши вакиллари, уруш қатнашчилари, йиғин фаоллари ва маҳалла ёшлари иштирок этишди.

— Мазкур учрашувда шаҳар мудофаа ишлари бўлимидан ҳам вакиллар қатнашиб, ёшлар учун зарур ва қизиқарли бўлган маълумотларни беришди, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти шаҳар кенгаши раиси Тўлқинжон Қорабоев. — Бундан ташқари, ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди. Келгусида бундай тадбирларни бошқа маҳаллаларда ҳам тез-тез ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

"ТОҲ БЎСТОНИ ДИЛКУШО ИЧРА..."

Алишер Навоийнинг Самарқандда кечган йиллари ҳақида қайдлар

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Жаҳон адабиётининг икки порлоқ юлдузи — Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ҳақида ўз замонасидан тортиб ҳозирги кунгача кўплаб адиблар, олиму фузалолар ёзишган. Аксарият адабиётшуносларнинг фикрича, Жомий ва Навоийнинг устоз-шогирдлиги, танишуви, дўстлиги жуда эрта бошланган. Жомий ва Навоий ҳаётида муштарак томонлар кўп. Уларнинг дастлаб Ҳиротда, сўнгра Самарқандда таҳсил кўришлари, ҳаёт кечиришлари, Самарқанд донишмандларидан Қозизода Румий, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс, нақшбандия тариқатининг муршиди комили Хожа Аҳрор Валий этагини тутиб, тасаввуф сулукига эътиқод қўйишлари бу даҳоларнинг кейинги фаолиятига катта таъсир кўрсатган.

Алишер Навоий бу вақтда шоир сифатида танилиб улгурган эди. У Самарқанднинг кўзга кўринган шоирлари, жумладан, Мавлоно Ховарий, Ҳаримий Қаландар, шунингдек, Мир Қарший, муаммогўй Улойи Шоший, олим Мавлоно Муҳаммад кабилар билан ҳамсуҳбат бўлган. Бу ўринда "Қарший", "Шоший" каби тахаллуслар Самарқандннинг ўша давр ижодий муҳити жўғрофий жиҳатдан кенг қамровли бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да таъкидлашича, у Самарқандда эканида, "Бадиий" тахаллуси билан шеърлар ёзувчи Юсуф Андигоний Андижондан шу ерга келган. Навоий унинг яхши шеърлари борлигини, арузни билишини, муаммо рисоласи борлигини таърифлайди.

Алишер Навоий ҳаётининг охирги йилларида умр бўйи яратган барча лирик жанрлардаги асарларини, шу жумладан, олдинги йиллардаги девонлари - "Бадойиъ ул-бидоя" ва "Наводир ун-ниҳоя"га киритган шеърларини йиғиб, "Хазойин ул-маоний" тўпламини тузади. Навоийшунос олимларнинг қайд этишларича, бу йирик шеърий асарни ташкил этган тўрт девон инсон ҳаётининг тўрт босқичини билдирувчи номлар билан аталган бўлса-да, уларда дастлабки икки девонда амал қилинган хронологик тартиб изчил сақланмаган. Буни дастлабки икки девон таркибидаги шеърлар "Хазойин ул-маоний"нинг барча девонларига бўлиб юборилгани ҳам тасдиқлайди.

Демак, "Бадойиъ ул-бидоя" девонига 1470 йилларда, яъни шоирнинг Самарқанд сафаридан кейинги дастлабки даврда тартиб берилгани назарда тутилса, Навоий Самарқандда яшаб турган пайтида яратилган шеърларнинг аксарияти айнан шу девонга киритилган бўлиши мумкин, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Девонга киритилган "Кўзинг не бало қаро бўлуптур, Ким жонга қаро бало бўлуптур" байти билан бошланувчи ғазал тарихи Самарқанд сафарига дахлдор экани ҳақида шоир асарларида ишончли далиллар мавжуд.

Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида ушбу матлаъ ва унинг муаллифи ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай ёзади: "Мирзобек — инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди".

Ҳа, Алишер Навоийни Самарқанд билан тарихан бир-бирига боғлаб турувчи жиҳатлар жуда кўп. Бу жиҳатлар — шаҳардаги Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳамадоний, Фирдавсий, Амир Темур, Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Шоҳруҳ Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Ялангтўш Баҳодир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби зотлар номи билан аталадиган ва улуғ шоир боғига туташиб кетган кўчалардек сертармоқ.

Бугун Алишер Навоий боғига туташ ана шу кўчалар улуғ шоир мухлислари билан гавжум.

Бугун Самарқанд марказидаги шоир ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканган.

Бугун наинки Самарқанд, балки Тошкент, Навоий каби йирик шаҳарларимизда, юртимизнинг барча гўшаларида, ҳаттоки Москва, Токио каби улкан пойтахтларда ҳам ул буюк зот шаънига тикланган муаззам ёдгорликлар теграсидан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Зотан, Алишер Навоий руҳини ёд этиш, хотирасига ҳурмат бажо этиш, номини улуғлаш, ўлмас маънавий меросини қадрлаш, асраб-авайлаш ва эътибор билан ўқиб-ўрганиш биз, миннатдор авлодларнинг шарафли бурчидир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

Ранжу оҳ бўлма...

Навоий ғазалига мухаммас

Жон қуши жон ичра бу жон ишқига имкон эрур,
Ишқи йўқ жон лаҳзасин ҳар кечмоғи афғон эрур,
Ишқи ёр ҳис этмаган жон, билки, ёр нимжон эрур,
Ҳар лабинг ўлганни тирғузмакда, жоно жон эрур,
Бу жиҳатдан бир-бириси бирла жонажон эрур.

Жонажонликдин ридо киймоқ шарафли расмким,
Мен берай жон кимга, ул билсин бу жоним жазмким,
Ёр жонин қўйида жон қуйса бу ишқ азмким,
Жоним андоқ тўйди жонондинки, бўлмас фаҳмким,
Жон эрур жонон эмас ё жон эмас жонон эрур.

Жон чекиб ёр қўйида тун жон била тузмак бу назм,
Ишқи истиғно била жон шаҳди сўз битмак бу расм,
Жонфизо жонон учун жон жаҳдини тикмак бу хасм
Бўлса жонон, бордурур жон ҳам чу, жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон била, жондин менга ҳижрон эрур.

Жонимизни сақла раб, жон қасдига ёқмай тутун,
Икки дил жон қушлари базм айласин кундуз ва тун,
Мен унга жон тугмагумла бўлғуси жуфт жон бутун,
Жон менга жонон учундир, йўқки жонон жон учун,
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур.

Халқайи жон кандаси етганда жонга дарз етар,
Жон, ул он келгач жадал руҳ гўшасин тез тарк этар,
Жонажон қилмай вафо, жонолиқдан дарс ўтар,
Борса жон, жонон йитар, гар борса жонон, жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур?

Жонфизо туйғу менинг жонимга бер бир хуш асар,
То бўлай осуда жон, жон қайғусидин бе хатар,
Буки жон пайвандидир севгувчи жон аҳдин тузар,
Хуштурур жону жаҳон жонон билан жонон агар,
Бўлмаса жон ўйлаким ўлмак жаҳон зиндон эрур.

Ранжу оҳ бўлма, Сулаймон, жон чекиб дард сўзлама,
Сайёди жон жон учун ёй тортса қочмоқ кўзлама,
Жон ўйи ҳар кимсага бор, ондин ҳеч сир излама,
Жоним ол, эй ҳажру жононсиз менга ранж истама.
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Сулаймон ҲАЙДАР ҚАСБИЙ

Истиқлол йиллари — истиқбол йўллари

Сурхондарё вилояти

ЙИҒИН ФАОЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ

Ўтган йилда вилоятнинг Қумқўрғон тумани кўпгина соҳаларда юқори натижаларга эришди. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги тизимида яққол кўзга ташланди. Ана шу ҳақда Қумқўрғон тумани ҳокими Нормўмин ЧОРИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. 2006 йилда туманимизнинг айнан шу соҳада юқори натижаларга эришгани биз учун қувонарли ҳол, албатта. Пахтакор ва ғаллакорларимиз белгиланган шартнома мажбуриятини республикада биринчилар қаторида адо этиб, режадаги 27000 тонна ўрнига 30225 тонна пахта ва 58410 тонна ғалла топширишга муваффақ бўлишди. Бу, албатта, барчамизнинг, айниқса, "Истиқбол", "Анҳор", "Аброр", Намозов, Ал-Бухорий номли тумандаги энг илғор фермер хўжаликларининг ютуғидир. Пилла режасининг 108 фоиз ҳисобида бажарилгани ҳам халқимизнинг меҳнаткашлиги, ҳар бир ишни бир тану бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда амалга оширгани самараси.

Ўтган йилда олинган даромаднинг 30-35 фоизини аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирдик.

Қумқўрғонда кичик бизнес, саноат, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Агар туманнинг 2006 йил якунидаги иқтисодий кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, 10 фоизи саноат, 54 фоизи қурилиш ташкилотлари улуши эканлигининг гувоҳи бўламиз. Жами иш ўринларининг 93,3 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келмоқда. Уларнинг сони 2271 тани ташкил қилади. Биргина йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи "Сурхон" комбинати 350 нафар кишини иш билан таъминлаган. Яқинда комбинат қошида консерва цехи ҳам тўла қувват билан иш бошлади.

— **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхталсангиз.**

— Ҳозирги кунда деярли ҳар бир соҳа, ҳатто унинг равнақ топиши ҳам маълум маънода фуқаролар йиғинлари фаолиятига боғлиқ эканлигини кузатамиз. Масалан, Қумқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида 37169 нафар аҳоли истиқомат қилади. Унинг ўрамида эса 9 та маҳалла мавжуд. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алламурод Бойматовнинг фаолиятини ҳудуддаги бошқа раисларга ўрнак қилса арзийди. Қишлоқда 10 та сартарошхона, 5 та этикдўзлик, 9 та дурадгорлик, 3 та темирчилик устахонаси, 76 та тегирмон ва 5 та увада пахтани титиш цехлари мавжуд. Қарсакли, Пахтаобод, Бўстон, Гулистон, Хўжамулки маҳаллаларида эскирган қувурлар янгисига алмаштирилиб, газ таъминоти яхшиланди.

Туман марказида жойлашган Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам худди шундай ишларнинг гувоҳи бўласиз. Жумладан, Жийдали, Янгиобод, Янгиҳаёт маҳалларидаги 20 километр узунликдаги ички йўллар асфальтланди, шағал ётқизилди. Багара маҳалласининг Азларсой гузарида истиқомат қилувчи 60 та хўжалик тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бундан ташқари, ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор кучли. Айниқса, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳатто бошпанасиз бўлган оилаларга уй ҳам қуриб берилди.

Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан яна бири бу — болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш. Бунинг учун аввало, уларга керакли шарт-шароитларни яратиш лозим. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, тумандаги 30 дан ортиқ маҳаллалар ўз спорт майдончаларига эга. Шунингдек, 2006 йили туман марказида 5000 томошабинга мўлжалланган янги спорт мажмуи ҳам фойдаланишга топширилди. Ҳозирда бу ер ёш ўғил-қизлар билан гавжум.

Жорий йилга Ижтимоий ҳимоя йили деб ном берилиши эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ходимлари, хусусан, қишлоқ ва маҳалла йиғинлари раислари зиммасига қўшимча масъулият юклайди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури асосида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатишдек хайрли ишга ҳомийларни жалб қилишда ҳам оқсоқоллардан янада ташаббускор бўлиш талаб этилади. Жумладан, туманимизда ҳам ижтимоий ҳимояга доир қатор дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди ва йил давомида уларни ҳаётга татбиқ қилиш режалаштирилган.

Омон ШУКУРОВ
суҳбатлашди.

**** Аввал иқтисод ... ҳақида***
**** Фермер режа бажарса, маҳалла-кўй обод бўлади.***
**** Кичик бизнеснинг катта улуши***
**** 30 маҳаллада спорт майдонлари бор.***

Фарғона вилояти

СИЗОТ СУВЛАР МУАММОСИ

Унинг ҳал этилаётганидан ҳамма хурсанд

Бу муаммо Риштон тумани аҳолисини кўп йиллардан буён қийнаб келарди. Ер остидан сизиб чиққан сувлар ҳам иморатни қулатар, ҳам дов-дарахтни қуритар, ҳам томорқадаги экинларга қирон келтирарди. Айрим ҳовлиларда сунъий кўллар пайдо бўлиши оқибатида бир томондан иккинчи томонга ўтиш учун пишиқ ғиштдан ва тахтадан кўприк қилишга тўғри келарди. Бу табиий офат туманда экинлар ва боғлар ҳосилдорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлаётган эди.

Вужудга келган аянчли аҳволни бартараф этишда ёрдам беришларини сўраб, республика ҳукумати ва вилоят ҳокимига мурожаат қилинди.

Натижада сизот сувларини камайтириш учун маҳаллалардаги ариқ-зовур, коллекторларни чуқур кавлаш, сув йўлларини тозалаш, янги ирригация ва мелиорация тармоқларини барпо этиш, зах сувларни қочиришга ихтисослашган "Коммундренат" ташкилотини қайта тиклаш керак, деган хулосага келинди.

Кўп ишларни маҳаллалар фаоллигида, вилоят ва туман ташкилотлари иштирокида ҳашар йўли билан амалга ошириш ҳақида келишиб олинди. Ер ости сизот сувларининг кескин кўтарилиб кетиши оқибатида юзага келган вазиятни бартараф этиш бўйича вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қодиржон Жаббаров раҳбарлигида махсус штаб тузилди.

Тузилган режа асосида туманга ер қазувчи, текисловчи, ариқ-зовурларни тозаловчи кўпгина техника ва механизмлар келтирилди. Уларнинг бир меъёрда унумли ишлашини таъминлаш мақсадида Фарғона ва Қўқон нефть бозори унитар корхоналарининг Риштонда доимий шахобчалари ташкил этилди. Туман ҳокимлиги ва штаб аъзолари Риштон шаҳарчаси ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни назорат қилиб туришибди. Маҳаллаларда 44 та тик дренаж қудуқларга ўрнатилган насослар тўхтовсиз ишлатилмоқда. Ҳомий ташкилотлар кўмагида қўшимча 15 та насос ўрнатилди. Қисқа вақт ичида механизмлар ёрдамида 17 минг 445 метр ҳажмдаги магистрал ариқ ва зовурлар қазилди ҳамда тозаланди. 22 минг 170 метр ички ариқлар эса маҳаллалар аҳолиси кучи билан тартибга келтирилди. 30 километрга яқин сув қувурлари таъмирдан чиқарилди. 12 километр янги сув тармоғи барпо этилди. Бу ишларни амалга оширишда Даҳбед, Мискин, Носгар, Олимжон Собиров номли, Қалайнов, Хуррамобод, Оқ ер, Тўда ва Пандигон маҳаллаларининг аҳолиси айниқса фаол қатнашди. Кўрилган тадбирлар натижасида сизот сувлар сатҳи тобора камайиб бормоқда. Лекин бу билан ишлар тўхтагани йўқ. Ерости сизот сувлари хуруж қилмаслиги учун бир қатор маҳаллалар ҳудудларида янги зовур ва коллекторлар кавланаяпти, эскилари эса чуқурлаштирилиб, тозаланяпти. Бу ишда Сўх-Оқтепа ирригация тизимининг Расулжон Жўраев бошлиқ Риштон бўлими ходимлари жонбозлик кўрсатишяпти. Улар ихтиёрида 23 та эксковатор бор. Аъзамжон Нуриддинов, Неъматжон Хабиев, Тоиржон Аҳмедов каби ғайратли эксковаторчилар ишидан ҳамма хурсанд.

Сизот сувлар сатҳи пасайтирилган бўлса-да, табиий офат тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Чунки Қирғизистоннинг туманга яқин Бурганди массивида экин-тикин ишлари авж олдирилиб, кўпроқ шоли каби серсув экинлар экилаётгани боис ер ости сувлари тўпланиб, пастга — Риштон тумани ҳудудига оқиб тушиш хавфи сақланиб қолмоқда. Бу хавфни бутунлай бартараф этиш учун туманнинг гидрогеология харитасини тузишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Туман маркази — Риштон шаҳарчасида сизот сувлари кўп бўлса-да, улар шўр бўлгани учун истеъмолга ярамайди. Бунинг олдини олиш учун водопровод тармоғини кенгайтириш ва таъмирлаш тадбирлари белгиланиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.

Республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлиги ёрдамидан хурсанд бўлган Риштон тумани аҳолиси Ижтимоий ҳимоя йилида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни барча соҳалар бўйича муваффақиятли бажариш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги».

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

ЖОҲИЛЛИК...

Бу жоҳиллик бир оиланинг — бешта жоннинг ёстиғини қуритди

Ярим тунда кўтарилган даҳшатли ёнғин қўни-қўшниларнигина эмас, бутун Месит маҳалласи аҳлини оёққа турғазди. Кимдир сув, яна биров қум солинган челак, белкурагу намат кўтариб, А.Зубайдов номли кўчанинг 6-хонадони томон чопди. Шунча ҳаракатга қарамай, тилсиз ёв — олов тобора авж оларди. Энг даҳшатлиси, ўт ичидан мадори батамом қуриб, ҳаммаёғи куйиб-ёниб чиққан Ойгўзал билан Қувондиқ товушлари базўр чиқишига қарамай, жон-жаҳдлари билан "Болаларимни қутқаринглар, биродарлар, улар ўт ичида, чопинглар, чопинглар..." дея бақиришарди. Яримжон эр-хотинни "тез ёрдам" машинаси туман касалхонаси томон олиб жўнади. Қўшнилар, маҳалладошлар ҳатто жароҳат олишларига қарамай, уй ичидагиларни қутқариш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилди. Аммо норасида гўдаклар Гулҳаё, Дилфуза ва Темурбекнинг оловда куйиб жизғанак бўлган жонсиз жасадлари қолган эди, холос. Ёшгина ота-она (улар ҳам вафот этишди), 6-7 ёшли икки қиз ҳамда ҳали бешга ҳам тўлмаган Темурбекнинг фожеали ўлими қўшнилар кўз ёшини узоқ вақт қуритмади, улар ғазаб ва аламларини босишолмади.

... Энди воқеагача кечган ҳаёт ҳақида. Шоҳсанамнинг тарбияси акаси Қувондиқ қўлида қолди. Чунки уларнинг ота-онаси эрта оламдан ўтганди. У синглисини ўкситкаслик учун "ўзини сен, синглисини сиз" дея эъзозлаб, истаганини бажо келтиришга ҳаракат қилди. Лекин Шоҳсанам улғайгани сари тантиқ, акасини бир пулга олмайдиган бўлиб қолди. Бунинг устига, баъзан чакки оёқ босадиган одат ҳам чиқарди. Ака аввал яхши гап билан муомала қилди. Кўча-кўйда, қўшнилар ўртасида турли гап-сўзлар, миш-мишлар кўпайиб кетганидан сўнг, хавотирга тушиб, синглисига насиҳат қилган бўлди.

— Нима қилибман, уларнинг арпасини хом ўрибманми? Улар мени эмас, ўзларининг қизларини ўйлашсин. Қолаверса, менга хўжайинлик қилишга қандай ҳақлари бор, — дея шартакилик билан жавоб қилди Шоҳсанам.

Синглисининг бир томондан "сиркаси сув кўтармай" қолгани, иккинчидан тўғри сўзлари, маслаҳатларига анчагина терс жавоб қайтаргани Қувондиқни анча ўйлантириб қўйди.

Афсуски, Шоҳсанам улғайган сари ақл-ҳушини йиғиштириб олиш ўрнига, янги-янги нағмалар чиқара бошлади. Ярим кечада ҳамма уйқуга кетганда, уйдан секин чиқиб, кимлар биландир ғойиб бўладиган, уйга эрта тонгда қайтадиган одат чиқарди. Баъзилар уни қарз олиб вақтида бермаётганлигидан шикоят қила бошлади. Энди Қувондиқ синглиси билан бироз жиддийроқ оҳангда гаплашишга мажбур бўлди:

— Бир бобой икки-уч кундан буён уйимизга қайта-қайта келди. Ундан 30 минг сўм олиб, банкка топширмаган эмишсан?

— Айтинг, менда пули бўлса, уйга келмай идорамга борсин. Қолаверса, менинг шахсий ишларимга аралашманг. Муаммоларимни ҳал этишга ўзимнинг қурбим етади.

Шоҳсанам Косон туманидаги "Зухоқ Башрий" хусусий фирмасида ҳисобчи бўлиб ишларди. Одамларнинг юқоридаги каби шикояти тобора авжга чиққач, Қувондиқ синглисининг танобини тортишга аҳд қилди. Кечқурун Шоҳсанам ишдан қайтганда акаси уни аввал инсофга чақирди, сўнг кўрқитиб пўписа ҳам қилди. Сингилнинг буларга ҳеч парво қилмай, ҳар бир сўзда акасидан устун келиши, муомалада умуман тап тортмаслигидан унинг бу ишларни сира ор билмайдиган, сурбетликдан жирканмайдиган бўлиб, дийдаси қотиб кетганлигига ака ишонч ҳосил қилди. Шунда ғазаби қўзғаб:

— Агар бу йўлингдан қайтмасанг, эл олдида шарманда қилгудек бўлсанг, ўлдираман сени, — деб юборди. Шоҳсанам писанда оҳангда "Ҳали кўрамиз, ким-кимни ўлдиради" дея ўз хонасига кириб кетди.

"Отам ўрнида отам эмиш, мен сенга кўрсатаман ҳали. Айтганларингга пушаймон едирмасам сени. Сенгина эмас, бутун оилангни ер билан яксон қилмасам, Шоҳсанам отимни бошқа қўяман!" Не ажабки, ака "ўлдираман" деган сўзни гап келарга, жаҳл устида айтган бўлса, сингилнинг жавоби...

У қаҳрдан сира тушмади. Қандайдир ғараз мақсадни ўйлаб, ойболтани олиб келиб ёстиғи остига яширди. Нимадир ярқ этиб миясига келди-ю, ташқарига отилди. Бир ярим литр сиғимдаги "баклажка"ни топиб, кўчада бензин сотадиган қўшнисиникига югурди.

— Ҳа, қўшнижон, ярим кечада бензин нимага керак бўлиб қолди? — деди ажабланиб қўшниси.

— Ишхонани таъмирлаётган эдик. Бўёққа қўшиш учун бензин керак бўлиб қолди. Ишга барвақт жўнайман, сизни эрта азонда оввора қилмай, дедим.

Бу қандай сингилки, акасига нисбатан ғазаби сира тарқамаса, қотилликка шу даражада эркин, бемалол уринса... Наҳотки, унда, бу ишингдан қайт, дейдиган садо берувчи қалб бўлмаса, қилаётган ишидан бир сония тўхтаб, ўйлаб кўрмаса... Йўқ, у бу ҳаракатдан тўхтамади.

У қаҳрдан сира тушмади. Қандайдир ғараз мақсадни ўйлаб, ойболтани олиб келиб ёстиғи остига яширди. Нимадир ярқ этиб миясига келди-ю, ташқарига отилди. Бир ярим литр сиғимдаги "баклажка"ни топиб, кўчада бензин сотадиган қўшнисиникига югурди.

Шоҳсанам безовта ҳолда ярим тунгача акаси ва янгасининг уйқуга кетишини пойлади. Ҳовлига бир неча бор чиқиб уларнинг уйқуга кетган-кетмаганлигини текширди, улар уйқуга кетганига тўла қаноат ҳосил этди шекилли, акаси яшайдиган уйнинг пешайвонига тўшалган гиламни олиб чиқди. Унга яшириб қўйган бензинни қуйиб, яна ўрнига ёзди ва олов бериб, хонасига кириб кўрпага ўралди...

Сўнг нима ҳол рўй берганлигидан эса газетхон юқоридаги сатрлар орқали хабардор.

Бу ота ўрнида оталик қилган, кийинтириб, парваришлаб, шу ёшгача етказган аканинг тарбиясига қайтарилган жавобми? Акаси юзига икки шапалоқ урган эмиш. Судда пеш қилган баҳонасига қаранг. У ҳоҳлаган пайтда, истаган хуштори билан чиқиб кетиб, эрта тонггача кайфу сафо қилса, уйга маст-аласт қайтса-ю, бегона эмас, ўз туғишган акаси "мушугини пишт" демаса? Яна нималар истарди унинг кўнгли? Ахир отаси тирик бўлганда у ҳам "Ҳой қиз, қадамингни билиб бос, менга лаънат олиб келма" демасмиди? Қилмишига яраша адабини бермасмиди? Шунда вужудини ёмон ниятлар ўргимчак тўридек ўраб олган қиз отасининг бошига ҳам шу кунларни солишдан асло ҳайиқмаслигига ишонч ҳосил қиласан. Ҳеч бўлмаганда у ҳали дунёга келиб, ҳаёт хурсандчилигини кўрмаган гўдаклар кечагина "аммажоним, ўзимнинг аммам" дея эркаланиб бўйнига осилган жиянларини ҳам ўйламади.

Ш.Темирова суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу жазо — 15 йиллик муддат эндигина 22 баҳорни кўрган жоҳил қизга ақлини йиғиштириб олиш, пушаймон бўлиш учун кифоя қилармикан?! Кифоя қилганда ҳам унинг ақлсизлиги эвазига қилган фожеа ўрнини тўлдира олармикан? Афсуски, йўқ.

Х.КАМОЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг бош мутахассиси.
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сиймолар сийратига чизгилар

«...ТУРКИ ТИЛ БИРЛА» битилган ақида

ёки Сўфи Оллоёр ва унинг "Сабот ул-ожизин" китоби ҳақида

Қоратикан қишлоғи Қашқадарёнинг чап соҳилида, Қарши шаҳридан ўттиз чақирим шарқда жойлашган. У Ғузор туманига қарашли қишлоқ. Ёшлигимизда қишлоқдошларим қариндош-уруғларимизни "махсумлар" ёки "Сизлар Сўфи Оллоёрнинг авлоди", деб гапирганларида, очиғи, бу гапларга унчалик эътибор бермаганмиз. Ростини айтганда, у кишининг кимлигини бизларга тушунтириб берувчи ҳам бўлмаган. Дарсликларда ҳам Сўфи Оллоёр ҳақида унинг диний-мистик шоир бўлганлиги қисқагина эслатиб ўтилар эди, холос.

Кексалардан Сўфи Оллоёрнинг Каттақўрғон шаҳрида туғилганлиги, Бухорода хон саройида хизмат қилганлиги ва қандайдир сабаб билан Қоратиканга келиб қолиши ҳақидаги ривоятларни кўп марта эшитганман. У кишининг Қоратиканда ижод билан шуғулланганлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, шу китоблар қандай китоблар эканлигига қизиқар эдим. Аммо, бу китоблар қишлоқдошларим қўлида ҳам, бошқаларда ҳам йўқ эди. Сабаби, араб имлосида ёзилган жуда кўп бебаҳо китоблар замонанинг зайли туфайли йўқ қилинган эди.

Ёшлигимда Сўфи Оллоёр ҳақида эшитганларимнинг ҳаммаси ҳам ёдимда йўқ. Уларнинг айримларини ўтган асрнинг 80-йилларида қоғозга тушириб қўйган эдим. Сўфи Оллоёр тарихига доир мен билган маълумотларни туман газетасида эълон қилдирдим. Бу воқеалар таниқли ёзувчи Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом" китобидаги Сўфи Оллоёр ҳақидаги ривоятига жуда ўхшаб кетади. Айнан мана шу китобда шоирнинг Қоратиканда яшаганлиги айтиб ўтилади.

Қоратиканлик фахрий ўқитувчи Қиёмхон Турсуновнинг хотирлашича, у кишининг оталари Турсунхўжа бобо айтар эканлар: — "Ўн тўрт ёшимда кексалардан эшитганманки, Қоратикандаги тутларни Сўфи Оллоёр эктирган экан. Бу йил шу дарахтларнинг экилганига 150 йил бўлди". Домланинг ҳисоб-китобларига кўра, оталарининг 14 ёшга тўлиши 1870-йилларга тўғри келади. Ушбу суҳбатни инобатга олсак, Сўфи Оллоёр 1720 йиллар атрофида ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Қоратикан қишлоғида яшаган.

Каттақўрғонлик Иззат Бекмуродов ўз она шаҳрининг бунёд этилишини Сўфи Оллоёр номи билан боғлайди. "Каттақўрғон кеча ва бугун" ("Зарафшон" Самарқанд, 1994 й.) китобида "Укасининг шошма-шошарлигидан норози бўлган Сўфи Оллоёр аразлаб Қашқадарё томонга кетиб қолибди", — қабилида ёзади. 1980 йиллар атрофида домла И.Бекмуродов Сўфи Оллоёр яшаган жойларни зиёрат қилиш учун Қоратиканга келган эди.

Истиқлол туфайли Сўфи Оллоёрнинг китоблари билан янада яқинроқ танишиш имконияти туғилди. Халқ орасида оддийгина қилиб "Сўфи Оллоёр" деб атаб келинган, аслида номи "Сабот ул-ожизин" китоби 1991 йилда "Меҳнат" нашриётида кирилл ва араб имлосида, шу йилнинг ўзида "Чўлпон" нашриётида кирилл имлосида нашр қилинди. Ушбу нашрларнинг тайёрловчилари Сўфи Оллоёр ва унинг ижодига муносабат билдиришиб, "Сабот ул-ожизин" китобининг мусулмон дунёсида жуда машҳур экани, турли мамлакатларда қайта-қайта нашр қилинганлигини қайд қилиб ўтишган.

Таниқли шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг сўз боши ўрнида берган маълумотларида қимматли фикрлар билдирилган бўлсада, Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижодининг кўпгина қирралари китобхонларга ҳам, илмий жамоатчиликка ҳам яхши маълум эмаслиги кўриниб турибди.

"Сабот ул-ожизин" китобидаги ҳамма сўзларни ҳам бугунги китобхон тез англаб ололмайди. Шунинг учун китобни қайта-қайта ўқиб, унинг маъносини уқишга ҳаракат қилиб юрган бир пайтда қўлимга бир китоб тушиб қолди. "Сабот ул-ожизин". Шарҳи билан. Манзума" деган ёзувлари бўлган ушбу китоб 1997 йили Тошкентдаги "Мовароуннаҳр" нашриётида чоп этилган бўлиб, шарҳларни техника фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи Зокиржонҳожи Шокирхон ўғли Афзалов ёзган эканлар.

Профессор З.Афзаловнинг ушбу китобни нашрга тайёрлашда катта масъулиятни ўз зиммасига олганлиги кўриниб турибди. Китобда бугунги кунда истеъмолдан чиқиб қолган ёки кам қўлланиладиган сўзлар тушунарли тарзда баён қилиниб, шарҳлангани ўқувчига катта қулайликлар туғдиради. Ушбу китобни қайта-қайта ўқиб, "Сабот ул-ожизин"-ни яна таҳлил қилиш зарур деган фикрга келдим.

"Сўфи Оллоёр" ёки "Сабот ул-ожизин" деб аталувчи китоб ўз замонасида туркий тилда ёзилган ноёб китоблардан биридир. Маълумки, аждодларимиз VIII-IX асрлардан бошлаб араб тилида ўқиш-ёзишга киришган. Сомонийлар давридан бошлаб эса араб тили билан бир қаторда форс тилида иш юритилган, китоблар ёзилган.

Сўфи Оллоёр ўзининг "Сабот ул-ожизин" китоби ёзилиши сабабларини "Дар баёни сабаби таълиф" бобида атрофлича баён қилади. Асарнинг таълифи (ёзилиши)да дастлаб форсий тилда уририб кўрилганга ўхшайди.

Ёзилди форси тил бирла мактуб
Ақидати, фуруғи қурби маҳбуб.

Маҳбуб (севикли ёр, Аллоҳ)га қурби (яқинлашиш, етишиш), фуруғи (ёруғлик)га ақидат (эътиқод, ихлос) қилиш мақсадида ушбу асар форсий тилда ёзилди.

Аниким кўрдилар турки ёронлар
Дедилар гар дуо қилса эранлар.

Шоир кўпчилик асарларини яратиш даврида ҳозирги Қашқадарё (Ғузор тумани Қоратикан қишлоғи) ва Сурхондарё (Олтинсой тумани Вахшивор қишлоғи) вилоятларида яшаган. Шунинг учун шоирнинг замондошлари, ҳамқишлоқлари орасида туркий тилда сўзлашувчилар кўпчиликни ташкил қилган. Улар шоирдан кўнгилларига таскин берувчи асар ёзишни сўрамоқдалар.

Битилса турки тил бирла ақида
Кўнгиллар бўлса ундан оромида.

Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр
Қалам тортай худо бўлсин мададкор.

Ўз ақидалари (эътиқоди)ни она тилида баён қилишга илҳақ бўлган ёру биродарларнинг тамаллуқи (ёлборишлари)ни ҳисобга олиб, худонинг мададига таяниб қалам тортишга жазм қилган шоир ўз аҳволини ҳам камтарона баён қилади.

Ва лекин айлайин сўзларни ижмол
Манга йўқтур муфассал қилғали ҳол.

Мане бечора чунки омидурман
Гирифтори маломат домидурман.

Омилиги (саводи камлиги — ҳар ҳолда шоир ўзини шундай деб ўйлайди) туфайли бечоралик ҳолига тушган шоир сифатида сўзларни ижмол (қисқа) қилишни мақсад қилиб қўяди. Қарангки, гарчи шоир муфассал қилғани ҳоли келмаслигига ишорат қилсада, ушбу асар уч асрдан буён қанчалар кўнгилларни оромида қилиб келмоқдадир.

Эрурман бандаларнинг сарнигуни
Тавалло ёр-биродарлар забуни.

Агар чандики бўлсам мағзи йўқ пўст
Ишорат қилдилар чун бир неча дўст.

Тавалло қилган (дўст саналувчи) ёру биродарлари орасида ўзини сарнигун (боши эгилган), забун (нотавон) деб атасалар-да, бу дўстларининг таклифларини инобатсиз қолдирмаганлиги кўриниб туради.

Ақида сўзларини қилдим исбот
Анга қўйдим "Сабот ул-ожизин" от.

Ўзумдек хасталар бўлғайми деб шод
Насойиҳдан ҳам андак айладим ёд.

Ақида (эътиқод) сўзлари билан ожизлар саботга насойиҳ (насиҳат)лар орқали даъват қилинади. Аммо, ушбу насиҳатлар ҳаммага ҳам бирдек таъсир қилавермаслигини шоир олдиндан огоҳлантиради.

Насиҳат тингламас дил сахти маҳжуб
Кўкармас тоша ёмғур ёғса ҳам кўп.

Сахти маҳжуб (қотиб қолган, лойқа босган) дилларни шоир гиёҳ унмас тошга қиёс қилиб, унга қанчалар ёмғир ёғса ҳам, ҳеч бир гиёҳ кўкармаслигини таъкидлайди.

Асарнинг ёзилиш услубида қандайдир ёқимлилик, мусиқийлик сезилади. Унинг маъноси эса маънавий жиҳатдан фикрларни бойитади. "Сабот ул-ожизин"ни ҳар қайта варақлаганда янги-янги маънони англаш мумкин.

Ҳусниддин НУРИДДИНОВ

Хомийлар бор бўлсин!

Андижон вилояти

САХИЙ ОДАМЛАР

улар маҳалладошлари оғирини енгил қилмоқда

— Мен кўп йиллардан бери маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келаяпман. Ўтган йилда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурини амалга оширишда маҳалламиз ҳам фаол иштирок этди. Кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамлар уюштирилди. Шу йилнинг бошида ана шундай оилалардан бир қанчасига газ ва электр тўловлари бўйича ёрдам кўрсатилди, — дейди Андижон шаҳридаги Сой маҳалласи оқсоқоли Ботиржон Турсунов.

Дарҳақиқат, ўтган йилда Сой маҳалласида амалга оширилган хайрли ишлар кўп. Жумладан, Наврўз байрами муносабати билан 400 кишига дастурхон ёзилиб, кам даромадли, серфарзанд оилалар вакилларига, якка-ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Шу куни кўп болали оила фарзанди Ботиржоннинг хатна тўйи ўтказилиб, унинг номига очилган омонат дафтарчасига 20 минг сўм пул қўйилди.

Албатта, бундай хайрия тадбирларини ўтказишда саховатпеша ҳомийларнинг ёрдами катта. Тадбиркорлар Олимжон Раимов, Жалолхон Исоқов, кекса педагог Карим ҳожи Исмоиловлар ана шулар жумласидан. Айниқса, маҳалла аҳли Тошхўжаевлар оиласидан мамнун. Негаки, кўпгина байрамлар маҳалла аҳли учун шу оиланинг мўътабар хонадонида қилиб берилди. Шунингдек, "Андижонмаш" ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида маҳаллада яшовчи 14 та эҳтиёжманд оиланинг электр энергияси учун тўланадиган тўловлари қопланди.

Бинобарин, ёз фаслида маҳалладаги меҳнат фахрийлари бўлган онахонлардан 45 нафари Андижон шаҳридаги Мирпўстин ота зиёратгоҳига олиб борилди. Кекса отахонлардан 75 нафари Пахтаобод туманидаги "Ором" дам олиш масканида ҳордиқ чиқарди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги шодиёналари ҳам маҳаллада кенг нишонланди. Шоду ҳуррамлик билан ўтган бу тантаналарда ҳомийлар ўз саховатпешаликларини аямадилар. Эл олдига дастурхон ёзилиб, ош тарқатилди. Уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига совғалар улашилди.

Дарвоқе, Тошхўжаевлар оиласи Кўнчилик маҳалласида янги тикувчилик цехини ташкил этмоқда. У тез орада ишга тушади ва маҳалладаги 70-80 нафар хотин-қизлар доимий иш билан таъминланади. Яқинда ишга тушган ана шундай тикув цехида ҳам ҳозирда маҳалладаги 20 нафар йигит-қиз меҳнат қила бошлади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ишсизликни камайтириш бўйича Андижон шаҳар меҳнат, бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шаҳардаги қўшма корхоналарга ўнга яқин ёшлар ишлаш учун тавсия қилинди.

— Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалламизда меҳр-оқибат, саховатпешалик туйғулари янада жонланмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Биз йиғин ходимлари билан бирга жорий йилда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Саховатпеша ҳомийларимиз эҳтиёжманд инсонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишларни бошлаб юборишди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Муштарийларимиз олами кенг

"MAHALLA"НИ АСКАРЛАР ҲАМ ЎҚИЙДИ

"Mahalla" газетаси бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Аввал қишлоғу маҳаллалар, идораю муассасалар ва сўнгра хонадонларга кириб борган газетамизни энди ҳарбий қисмларда ҳам кўриб ажабланмаймиз. Негаки, ҳозир ўзи туғилиб ўсган маҳалласидан бироз олисда хизмат ўтаётган аскар эртага яна қадрдон маҳалласига қайтади, унинг равнақига ҳисса қўшади. Бинобарин, айни пайтда маҳалла ва ҳарбий қисмлар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу сабаб, ҳарбий қисм мутасаддилари ҳам "Mahalla" муштарийси бўлишга хайриҳоҳлик билдирмоқдалар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

Маълумки, жорий йилда газетамиз обуначилари сони кўпайди. Ўз навбатида таҳририят хат қутисига муштарийларимиздан келиб тушаётган мактублар, мақолалар салмоғи билан уларнинг муаллифлари доираси ҳам ортди. Яқинда ана шундай мактублардан бири билан танишиб, "Mahalla" нафақат маҳалла тизими ходимлари, отахону онахонлар, ўрта ёшли фуқаролар, балки ўсмир ёшлар орасидан ҳам муштарийлар орттирганлигига яна бир карра амин бўлдик. Энг қизиғи, Косон тумани Янгиобод маҳалласидан йўлланган ушбу мактуб эгаси 15 ёшда экан...

ШОДМОН АЯ ШОДЛАНГАН ЗАМОН

104 ёшли онахон бугунги дориломон кунларимиздан фахрланади

Мен "Mahalla" газетасини ўқиб бораман. Газетада қизиқарли мақолалар эълон қилинади. Айниқса, юртимизда қарияларга бўлган эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намуналарини мунтазам ёритиб бораяпсизлар. Мен ҳам шундан руҳланиб, маҳалламиздаги юз билан юзлашган онахон Шодмон ая Орипова ҳақида ёзишга қарор қилдим.

Шодмон ая ўтган аср бошида — 1903 йилда таваллуд топган. У киши маҳалламиз болалари билан тез-тез суҳбатлашиб турадилар. Шу сабабли, Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида онахоннинг бошидан кечирган қийинчиликлари ҳақида оз-моз биламиз. Тўғриси, бугунги дориломон кунларда яшар эканмиз, биз учун ўша суронли йиллардаги машаққатли дамларни тасаввур қилиш қийин. Бироқ Шодмон ая — жонли тарих. У кишининг айтишича, онахон турмушга чиқиб 9 фарзандли бўлган. Улардан 7 нафари ёшлигида вафот этибди.

— Сизлар бугун тинч-фаровон даврда улғайяпсизлар, — дейди Шодмон ая болалар даврасида. — Тўққиз боламдан еттитаси ғўдаклигидаёқ жон берди. Ҳатто болаларни соғлом-бақувват қилиб ўстиришга ҳам тузукқуруқ шароит бўлмаган ўша замонлар ҳақида энди ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Бугун эса дўхтирлар ҳам кўп, касалхоналар ҳам... Мустақил юртда шоду ҳуррамлик билан яшаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Айни пайтда 16 набира, 55 эвара ва 5 нафар чевара кўрган Шодмон ая табаррук 104 ёшни қарши олаяпти. Мен онахондан узоқ яшашининг сирини сўрадим.

— Аллоҳга шукр қилиб яшасанг, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасанг, узоқ умр кўрасан, болам. Узоқ деганим йиллар билан эмас, аслида хайрли ишларинг билан ўлчанади, — дейди онахон.

Бугун маҳалламизда Шодмон ая Ориповани йўқловчилар ҳам, у кишининг дуосини олишни истовчилар ҳам жуда кўп...

Жобир ИСМАТУЛЛАЕВ.
Косон тумани Янгиобод маҳалласи.

Олам турфа

ФИЛЛАР ИШ ТАШЛАДИ

Таиланддаги фирмаларнинг ёғоч омборларидан бирида бешта филни юк ортишга ишлатишган. Олти йил мобайнида хўжайинлар ва "ишчилар" яхши муносабатда бўлишган. Лекин бир куни Чангу лақабли фил ходаларга қоқилиб оёғини жароҳатлаб олди.

Жонивор ишлаш у ёқда турсин, ҳатто юра олмай қолди. Омборхона бошқарувчиси бу жароҳатга аҳамият бермай, ветеринар чақирмади. Эртаси куни барча филлар ўзларининг жароҳатланган "бригадир"лари атрофидан кетишмади ва ишламасдан хартумларини кўтариб бўкиришаверди. Ҳайвонларни ишлатмоқчи бўлганларнинг барча уринишлари зое кетди. Жон-жаҳди билан филларни ишлашга мажбурлаётган бир одамни ҳатто фил хартуми билан кўтариб, тўсиқнинг нарёғига ташлаб юборган. Мол дўхтири келиб филга тиббий муолажа кўрсатгандан кейингина бошқа филлар ишга чиқишган. Икки ҳафта давомида филлар ўз "бригадир"ларига турли ширинликлар: ёш бамбук новдалари, пальма барглари, турли тропик мевалар келтириб туришган.

ЕР ҚИМИРЛАШИНИНГ САБАБИ

Япония дорилфунунининг профессори Токай Иосифуми Томоданинг таъкидлашича, атмосфера босими паст бўлган пайтда ер қимирлаши содир бўларкан.

Профессор 1826 йилдан 1985 йилгача Японияннинг марказий қисмида юз берган табиий офатлар сирини чуқур ўрганиб, таҳлил қиларкан шундай хулосага келди.

Токай олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу ерда асосан йилнинг март ва май ойларида ер кўп қимирлаган. Бу пайтда атмосфера босими белгиланган кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлади.

Мулоҳаза, таклиф...

"ТЎХТАШ ЖОЙИ"ДА ТЎХТАМ БЎЛАДИМИ?

Бозор борки ҳамиша тирбанд бўлади — бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, бозор ўз номи билан бозор-да! Бозорга ўз уловингда (агар бўлса) бориш қулай-да. Лекин машинангизни қантариш, ҳайдовчилар тили билан айтганда "парковка" қилиш учун анча заҳмат чекишингизга тўғри келади.

Бозор атрофида бир-бир ярим чақиримгача йўлнинг икки томони ҳам машиналар билан тирбанд, тўхташ учун жой излаб бозор атрофини икки-уч бор айланиб чиқаётганларни айтмайсизми? Темир улов эгалари бу жойда тўхташ мумкин эмаслигини уқтирувчи белгиларни ҳам писанд қилмай, бир-биридан илгарилайди, машиналар қаторма-қатор тизилаверади, тизилаверади. Биров тўхташга жой изласа, кимдир чиқиб кетишга йўл қидиради. Яна кимдир уловига йўловчи чорлайди — пул топиш учун албатта. Лекин шундай бозорнинг биқингинасида машиналар тўхташи учун, ажратилган махсус майдонда эса жой бемалол. Ҳайдовчиларнинг бу томонга ошиқмаслиги сабаби бор, албатта — бу тўхташ жойи пуллик! Масалан, машинангизни пойтахтдаги "Қўйлиқ" деҳқон бозори олдидаги тўхташ жойига қўйсангиз, 500 сўм тўлайсиз. Борди-ю, харидни "Паркент" бозоридан қилсангиз, махсус тўхташ жойидан нақд 700 сўм эвазига фойдаланишингиз мумкин. Ўрикзор даҳасидаги "Чилонзор-Карвонсарой" бозорида "тўхташ жойи" енгил машиналар учун 1000 сўм, юк машиналари учун ...8000 сўм! Сергели машина бозорида тўхташ жойи якшанба куни 2000 сўм. Ҳатто корхона хизмат машинаси учун ҳам шу нархда тўлов олинар экан. Бу ерда пул йиғувчилар идораю муассасаларнинг хизмат йўналишини ўшунмайди ҳам. Бу нарх-наволар тўхташ жойига кираверишда катта-катта қилиб ёзиб қўйилган.

Бошқаларни қўятурайлик, кунда-кунора кириб ўтадиганимиз — "Паркент" бозорини олайлик. Бозор катта кўча ёнида жойлашган. Бир йўлда икки томонлама бетиним транспорт ҳаракати, трамвай йўли, устига-устак, бекатлар ҳам шу йўлнинг икки томонида бўлиб, пиёда йўловчилар учун ерости йўли йўқлиги туфайли бу кўчада йўл-транспорт ҳодисалари юз бериши хавфи жуда юқори. Афсуски, бундай ҳодисалар бўлаяпти ҳам. Шундай бир шароитда, бозорга келиб-кетувчи машиналар йўл бўйлаб тизилиб, бу хавф даражасини янада оширади. Махсус "тўхташ жойи"нинг нархи чўнтакни "чақадиган" бўлгач, начора...

Машинангизни тўхташ жойида қанча вақтга қолдирасиз, асло аҳамияти йўқ. Бозорда эртадан-кечгача айланасизми ёки бирровга кириб чиқасизми бундан тўлов қиймати ўзгармайди. Балки сиз бозорга эмас, бозор ёнидаги дорихонага кирмоқчидирсиз? Ёки бозордан бор-йўғи иккитагина ширмой нон олмоқчидирсиз. Унда икки заҳматдан бирини танлашга мажбурсиз: ёки машинангиз беш-ўн дақиқа давомида тўхташ жойида тургани учун 700 сўм (солиштириш учун: иккита ширмой нонни 500 сўмга оласиз) тўлайсиз ёки машинангизни катта кўча бўйлаб қаторлашиб турган уловлар сафига қўшиб қўясиз. Бунда ҳеч қандай тўлов тўламайсиз, албатта. Катта кўчада ҳаракатланаётган сон-саноқсиз транспорт воситаларига "бирозгина" халақит берасиз ва ўзингиз, атрофдаги одамлар, қолаверса, уловингиз хавфсизлигига яна "бирозгина" раҳна соласиз, холос. Энг муҳими, тўхташни таъқиқловчи белги борлиги учун жазога тортилмай қутулсангиз бўлди...

Шу ўринда кинояни тўхтатиб, бир мулоҳазани ўртага қўйсак: агар шаҳар марказидан автомобилда тўғри келсангиз "Паркент" бозорига киришга эҳтиёжингиз бўлмаса-да, адашиб айнан тўхташ жойи кираверишига келиб қоласиз. Чунки ўша тўхташ жойи йўлнинг тўғри йўналишида жойлашган. Асосий йўл эса чапроққа бурилиб давом этади. Энди ўз йўлингизга тушиб олиш учун транспорт тиқилинч йўл бўйлаб орқага юриш лозим бўлади. Қарама-қарши томоннинг кичик йўли ҳам келиб шу жойга тақалади. Хуллас, ҳамма чора тўхташ жойидан тушадиган маблағни янада кўпайтириш учун қилингандек туюлади кишига. Аслида бу бозорга келаётган авто-уловларга бозор ҳудудида ҳам тўхташ жойи етарли. Кўчадан ажратилган пуллик тўхташ жойи майдонини асосий йўлда транспорт қатновини енгиллаштириш, аҳолига қулайлик яратиш, хавфли ҳолатлар даражасини камайтириш учун йўналишли автобуслар, таксилар ва бошқа жамоат транспорти воситалари учун йўловчи олиб-тушириб ўтадиган иккинчи даражали қатнов йўлига айлантириш кўпроқ мақсадга мувофиқ эмасмикан?

"Mahalla" фаоли.

Истеъмолчи савол беради

Савол:

ЯРОҚСИЗ ТОВАР...

Кейинги пайтда "Mahalla"нинг саҳифаларида бериб борилаётган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун моддаларидан бандлар ва турли ҳуқуқий савол-жавобларни ўқиб, менда ҳам бир савол туғилди.

Кундалик турмушимизда концерваланган гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларини тез-тез харид қилиб турамиз. Баъзида ушбу товарларнинг муддати ўтган ёки истеъмолга яроқсизлари ҳам чиқиб қолади. Биз бунга қўл силтаб, ташлаб юбораверамиз.

Шу маҳсулотнинг яроқсизларини бошқа – яроқлисига алмаштириб олиш ҳуқуқимиз бор-йўқлиги тўғрисида Қонунда қайд этилганми?

ИСТЕЪМОЛЧИ

Жавоб:

МУДДАТ ЕТТИ КУН

"Истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида жумладан шундай ёзилган:

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак...

Айни шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Маслаҳатчи тажрибасидан

Тошкент вилояти

Юқори Чирчиқ туманидаги Қайтмас маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи этиб тайинланган Лайло Айдархонова мана икки йилдирки, самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

ЛАЙЛОХОН ИБРАТИ

У оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, диний урф-одатлар, маросимларни кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олиб, ихчам ва замонавий ҳолда ташкил этиш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширишда ташаббускор бўлди. Шунингдек, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданиятини юксалтириш борасида самимий суҳбатлар, учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади.

Вояга етмаганлар билан ишлаш борасида турли қизиқарли ўйинлар, спорт мусобақалари, ҳудуддаги 20-сонли мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда "Заковат" ўйинлари ташкил этилади. Қолаверса, маҳаллада "Раққоса қизлар" рақс тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Дарвоқе, у республика миқёсида ўтказилаётган танловларда ҳам фаол қатнашиб келади. Масалан, "Мурувватли қўшни" ҳамда "Намунали маслаҳатчи" кўрик-танловларида вилоятда ғолиб деб топилиб, Республика миқёсида учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Иссиқхоналарга четдан ишчи кучи олмасдан маҳалла аёлларини иш билан банд қилиш учун шартномалар тузилган. Хусусан, Лайлохоннинг ўзи ҳудуддаги ободонлаштириш ишларига, хонадон атрофларини саранжомсаришта қилишга маҳалла хотин қизларини кенг жалб этаяпти. Маҳалла кўркига янада кўрк қўшиш мақсадида кўп йиллик ва манзарали дарахт кўчатларини экишда ташкилотчилик қилаяпти.

Л.Айдархонованинг фаолиятдаги фаоллиги ва самарали меҳнатлари инобатга олиниб, у туман Маслаҳатчилар кенгашининг раиси этиб сайланди.

Гулчеҳра САФАРБОЕВА

Самарқанд вилояти

Ташаббус ва самара

ОҚСОҚОЛЛАР КЎЧАТ ЎТҚАЗДИ

Булунғур тумани оқсоқоллари тумандаги барча фуқаролар йиғинларида ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунларини тозалик-ободончилик куни деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқишди. Натижада ушбу кунларда йиғин раислари ва фаолларининг ҳар бири ўн тупдан дарахт кўчати экишга, гулхоналар ташкил этишга ҳамда йўл четлари, ариқ-зовурларни тозалашга, дарахтларга шакл беришга киришдилар.

— Биз асосан нина баргли дарахт кўчатларини экишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Булунғур тумани бўлинмаси раиси Абдуразоқ Саримсоқов. — Айни пайтда тумандаги мавжуд 47 та маҳалла ҳудудида 100-150 тупдан шундай кўчатлар ўтказилмоқда. Истиқлол, Мўғол, Чорбоғ, Бешқўтон, Ғўбдин, Килдон маҳаллалари бу борада барчага ўрнак. Шаҳар маҳаллалари эса бу юмушга алоҳида эътибор қаратишаяпти. Сабаби, нина баргли дарахт кўчатлари шаҳар кўркига-кўрк қўшиши билан бирга, қишинёзин ям-яшил тусда сақланади. Шу билан бирга тўкилган барглари бошқа дарахт турлари сингари коммунал хизмати ходимларини ортиқча ташвишга қўймайди.

Дарвоқе, ҳозирда Ғўбдин тоғ этакларида жойлашган Ғўбдин маҳалласида ҳам бу юмушлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Қор ва тупроқ кўчишининг олдини олиш мақсадида Бухоро — Тошкент автомагистралининг туман ҳудудидан ўтувчи қисми ён-атрофларига ҳам нина баргли дарахт кўчатлари ўтқазилаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Мустақилликда обод бўлган зиёратгоҳлар

ҲАЁТ ВА АБАДИЯТ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин халқимизнинг миллий қадриятларига, Имом Бухорий каби бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат, диёнат йўлида бахшида этган улуғ зотлар хотираларини эъзозлаш, улар номлари билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги "Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий — қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида алломанинг улуғвор ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа пойдевори 1998 йил бошларида қўйилди ва меъморчилик тарихида нисбатан қисқа муддатда — 8 ойда деярли қуриб битказилди, 1998 йил 23 октябрь жума куни очилди. Ушбу мажмуа авваламбор зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо, сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Бу ерда ҳадис илмини ўргатиш ва шу каби бошқа маърифий ишларни амалга ошириш ҳам кўзланган.

Ёдгорликни барпо этиш учун ажратилган ҳудуднинг умумий майдони 4,66 гектар. Мажмуа шимолий ва шарқий тарафдан кўҳна қабристон, аҳоли уй-жойларига, ғарбдан мевали боғ ва сарой, жанубдан эса — Самарқанд — Имом Бухорий катта автомобиль йўлига туташган. Унинг олдида барпо этилган хиёбоннинг икки тарафига чиройли эман дарахтлари экилган.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик, зиёратгоҳ ҳисобланади. Имом ал-Бухорий дафн этилган Челак тумани Хартанг қишлоғидаги қабристон мусулмон аҳлининг энг табаррук ва азиз зиёратгоҳларидан бўлиб келган. XVI асрда Имом ал-Бухорий қабри устига мўъжазгина мақбара, ёнига масжид қурилиб, ҳовлисига бир неча туп чинор экилган. Шўро тузуми даврида бу улуғ маскан қаровсиз аҳволга тушиб қолган.

1998 йилда Имом ал-Бухорийнинг янги мақбарасини қуришда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталари фаол қатнашдилар. Улар орасида нақ-қошлар, ёғоч ўймакорлари ва ганчкорлар ҳам меҳнат қилганлар. Ёдгорлик мажмуасига учта пештоқли, ўймакор эшикли дарвозахоналар орқали кирилади. Асосий дарвозахонанинг олди ва ҳовли томонидан анъанавий услубда маҳобатли пештоқ ишланган. Миёнсарой (Марказий хона, ўрта хона) диаметри 10,5 метрли мовий гумбаз билан ёпилган. Олд пештоқнинг икки тарафида моҳирлик билан ишланган кошинлар орасига араб ва лотин алифболарида ёдгорликнинг қурилиши ҳақида маълумот берадиган лавҳа ўрнатилган. Катта дарвозахонанинг ўнг тарафида маъмурий ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган. Бош йўлнинг ўнг тарафида фаввора қурилган. Ўнгда — масжид тарафда қадимги чинорлар ва ҳовуз сақланиб қолган. Мақбара квадрат шаклида қурилган бўлиб, ўлчами 9,0х9,0 метр, баландлиги 17 метр. Мақбара девори зангори, ҳаворанг ва оқ сирли кесма кошинлар, мармар, оникс ва гранит тошлар билан қопланган.

Кошинлар гириҳ (мураккаб ҳандасий — геометрик шакллар тузилишини ўрганувчи илм) шаклида терилиб, орасида безакка уйғунлаштирилган арабча хатда ҳадислар битилган. Ички безагида ганчкорлик, бўяма нақш ва турли рангдаги кошинкори нақшлар қўшилиб, уйғунлашиб кетган. Ташқи гумбаз Амир Темур мақбараси гумбазига ўхшаш — қобирғалидир. Гумбазнинг ичи доира шаклида бўлиб, сержило нақшлар билан безатилган. Мақбара марказида оқиш-кўк шаффоф оникс тошдан ишланган сағана ўрнатилган. Мақбаранинг ўнг томонидаги эшикдан зина орқали мақбаранинг остки қаватига — даҳмага тушилади. Юқори қаватдаги сағананинг остида Имом ал-Бухорий жасади қўйилган қабр мармартош билан қопланган. Ҳовлининг чап томонида масжид жойлашган. Масжид — хонақоҳнинг (гумбазли, катта бино, хона) умумий майдони 214 кв метрни эгаллайди. Хонақоҳ ва пешайвонда бир йўла 1500 киши намоз ўқиши мумкин. Имом ал-Бухорий мақбарасининг дарвоза, эшик ва 74 та устунини андижонлик, қўқонлик, самарқандлик, наманганлик, бухоролик ва тошкентлик усталар тайёрлаган. Масжид устунлари турли услубда, бир-бирини такрорламайди, ҳаммаси ҳашамдор, гўзал. Мақбарадаги мармартошга сайқал бериш ишларини самарқандлик машҳур таъмирчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов шогирдлари билан бажарган бўлиб, тош устига йўниб Қуръондан оятлар ёзилган.

Хоналардаги антиқа, нафис қандилларни Тошкентдаги "Миконд" заводи усталари тайёрлашган ва ўрнатишган. Мажмуа биносида кутубхона, илмий ходимлар хонаси ва бошқа юмушларга мўлжалланган хоналар ҳам мавжуд. Кутубхонада Қуръони Каримнинг ноёб қўлёзмалари, турли нашрлари, Имом ал-Бухорий асарларининг нашрлари ва бошқа китоблар, қўлёзма асарлар сақланади. Мажмуа тўрида, мақбаранинг орқа тарафида ҳадис илмини ўрганишга мўлжалланган ўқув маркази — "Дорул Ҳадис" биноси жойлашган. Мажмуадаги масжид ёнида Имом ал-Бухорий номидаги эски мадраса 1991 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган. 1993 йили янги мадраса биноси қурилиб, ишга тушди.

Мадраса "Ҳадис илми маркази" деб юритила бошлади. Бу ерда жойлашган кутубхонада 9000 та китоб мавжуд бўлиб, шундан 6500 таси дарслик, 2438 таси эса бадиий ва сиёсий адабиётлардир.

Ҳозирги кунда Имом ал-Бухорий номли "Ҳадис илми маркази" кутубхонасида XIX аср охирларида Истанбул, Қоҳира, Қозон, Уфа, Москва, Самарқанд ва Қўқонда чоп этилган қадимий, қимматбаҳо китоблар жамланган, уларнинг сони 600 тадан зиёд.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки юртимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолади.

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир.

Бу муқаддас қадамжога — Имом ал-Бухорий хузурларига юртдошларимиздан ташқари, ер юзидаги барча мусулмон мамлакатларидан зиёратчилар ташриф буюришади. Шунингдек, Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилгани турли давлатларнинг раҳбарлари ҳам келишади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда сиздан мустаҳкам ирода талаб этилади. Ана шундагина ўзингиз кутган натижаларга эришишингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Сизни қийнаётган муаммолар ушбу ҳафтада ўз ечимини топиши мумкин. Соғлиғингизга ҳам эътиборлироқ бўлишни унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кутилмаган янгиликлар ҳафта давомида кайфиятингизга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Дам олиш кунларида табиат қўйнида дам олинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда иш фаолиятингизда чалғимасликка ҳаракат қилинг. Акс ҳолда жиддий хаталарга йўл қўйишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари мириқиб дам олишга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг жисмоний ва ақлий фаоллигингизни оширишга ёрдам беради.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ушбу бурж вакиллари учун ҳафта омадли келади. Пайшанба куни молиявий аҳволингизни тиклаб олишга қулай фурсат туғилади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳар қандай масалага фақат бир ўзингиз ечим топишга уринманг. "Бир каттанинг, бир кичикнинг сўзига қулоқ сол", деган мақолга амал қилганингиз маъқул.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда фаолиятингизда бироз суст-кашлик сезилиши мумкин. Бироқ шунга қарамай, атрофингиздагилар билан илиқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда ҳаётингизни изга тушириб олиш имконияти туғилади. Ҳафтанинг иккинчи ярми қизиқарли учрашувлар ва янги ҳамкорлар топиш учун қулай келиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Иш-фаолиятингиздаги баъзи муаммолар молиявий жиҳатдан бироз қийинчилик туғдириши мумкин. Бироқ, бу ҳафта сиз учун омадсиз келади, дегани эмас.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ушбу ҳафта уй-рўзғор буюмларини янгилаш учун қулайдир. Бу нафақат уйингизни ўзгартиради, балки кайфиятингизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Мазкур ҳафтада янги дўстлар орттиришингиз мумкин. Ҳафта оҳирида ер, уй-жой олди-сотдиси билан шуғулланмаганингиз маъқул.

Андижон вилояти

Эртанинг умиди

Избоскан туманидаги "Избоскан деҳқон бозори" да 50 дан зиёд тадбиркор ва ҳунармандлар фаолият юритмоқдалар.

— Замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш учун аниқ тадбирларни белгилаб олганмиз, — дейди жамият раҳбари У.Ботиров.— Савдо расталари кенгайтирилиб, таъмирланди, бозор ҳудуди ободонлаштирилди.

Эътиборлиси, бу ерда шарқ бозори анъаналарига хос равишда моҳир ҳунармандлар уста-шогирдлик анъанаси асосида болаларга ҳунар сирларини ҳам ўргатишмоқда.

ҲУНАР БИЛГАН БОЛАЛАР

улар миллий ҳунармандчилигимиз давомчилари

СУРАТДА: *ҳунарманд Р.Маҳаммадинов шогирди Н.Абдурашидов билан.*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Бухоро вилояти

Болалар спорти

ЭСКИ КЛУБдан ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ

Вилоятда болалар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили мактаб ёшидаги болаларнинг 42 фоизи спортга жалб этилган бўлса, жорий йилда қурилиши ва реконструкция қилиниши белгиланган спорт иншоотларида яна 9 мингдан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Улардан бири — барча қулайликларга эга замонавий спорт мажмуаси Когон шаҳрида қад ростламоқда. Лойиҳа қиймати 193 миллион сўм бўлган ушбу иншоотни Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали буюртмаси бўйича Бухоро шаҳридаги "Мир Қулол" хусусий фирмаси бинокорлари бунёд этмоқда.

Жондор туманидаги собиқ "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг бўш ётган клуби тез орада ёш баскетболчи, волейболчи, курашчи ҳамда минифутболчилар билан гавжум бўлади. Бош пудратчи — "Пешқу монтаж" хусусий фирмаси ушбу бинони реконструкция қилиш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

— Бундан ташқари, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ шаҳар ва туманларимизда қайта қуриладиган 17 та мактабнинг 7 тасида барча қулайликларга эга спорт заллари барпо этилади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Исмоил Мирзаев. — Ушбу объектларнинг қурилишига асосан вилоят корхона ҳамда ташкилотлари ҳомийлик қилмоқда.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

Ажабо!..

ГУМБАЗ УСТИДА... ЎҒИРЛИК

Ҳа, бу ўғирликнинг ерда эмас, айнан гумбаз устида содир этилганига ҳамма ҳайрон. Ички ишлар бўлими жиноят қидирув ходимлари ҳам ҳали бунақа воқеага дуч келишмаганидан жиноятчини ушлашда ҳийла қийинчиликларга учрашлари мумкин эди. Ҳалиям фуқаро Маҳмуджон Матёқубов уларнинг жонига оро кирди.

— Мен мана шу Саййид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасаси мажмуига кираверишдаги чойхонада ишлайман, — деди у ўзини ички ишлар бўлими ходимларига таништириб. — Мижозларимни кузатишга чиқсам, қимдир мадраса гумбази устига чиқиб, олтинранг қуббани жойидан қўзғатиб, кўтариб пастга тушди. Дарҳол сизларга хабар бердим.

Шундай қилиб, тарихий обидаларни асраб-авайлаш ўрнига уларга шикаст етказиб, ўғирлаш даражасига борган қўли эгри жиноятчи ушланди. Ильдар Бадретдинов аслида Бошқирдистон Республикасининг Чекмигуш туманида туғилган. Ҳозирги кунда Урганч шаҳридаги Абулғози Баҳодирхон номли кўчадаги 60-уйнинг 12-хонадонида яшайди. Илгари ҳам жиноят содир қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлиликка айлантирилиб, 2 йил синов муддати берилган эди. Аммо Ильдар синовнинг сийлов эканлигини унутди. Сал ўтмай яна жиноятга қўл урди. Қадимий Хивага "зиёрат"ни бошқача тарзда ўтказишни режалаштириб қўйган экан. Ноёб, маҳобатли Саййид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасаси гумбази устидаги баҳоси 300 минг сўм бўлган олтин суви бериб сайқалланган қуббани ўғирлаб кетмоқчи бўлганида қўлга тушди.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ дақиқага ҳам бормай аён бўлди. Энди инсофсиз Ильдарнинг панжара орқасидаги пушаймонларидан заррача фойда йўқ.

Рашид ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Хива тумани суди раиси.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани 7-кечки мактаб томонидан 1983 йилда Заидова Малохат Гулямкадировна номига берилган Г № 263420 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом BN 048695 выданный 4 июля 2001 г. Ташкентским Государственным Педагогическим университетом им.-Низами на имя Хуснутдинову Эльмиру Рафаэльевну считать недействительным.

Тошкент Автомобиль йўллари институти томонидан 1984 йилда Якубов Акмал Акрамджанович номига берилган UB-1 308835 серияли (рўйхат рақами 283) диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО ИП "TURKOTRANS Global Logistics" (код по ОКПО 20965419)Яккасарайского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х недель со дня публикации. По тел: 160-44-92

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2007 йил 6 февраль сонида босилган якка тартибдаги тадбиркор Нуриев Руфат Рашидовичга берилган 0700394 рақамли гувоҳнома бекор ҳисобланиши ҳақидаги эълон бекор ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркор (гувоҳнома рақами 0700394) Нуриев Руфат Рашидовичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Хамза туманидаги "Меҳри Турон", "Авиасоз-коммунал", "Абу Толиб-коммунал", "Ишонч-сервис" ва "Миролим-коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкатлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига айлантирилаётганлиги сабабли ширкатнинг думалоқ муҳри ва бурчак штампи бекор ҳисобланади.

Утерянные документы выданные Главным Управлением Земельных отношений и Кадастра недвижимости ООО "Айрим-сервис"у на земельный участок находящимся адресу г.Ташкент, ул. Бобура, 18 а считать недействительным.

Утерянную паспорт и трудовую книжку на имя Андрейченко Нина Владимировне просьба вернуть за вознаграждение. Тел: 54-13-48.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "SHAXDAMQURILISH MONTAJ" МЧЖ "ALEKS-QURILISHSANOATMONTAJ" МЧЖ га (ОКПО бўйича коди 21342687) қўшилишини маълум қилади.

"SHAXDAMQURILISH MONTAJ" МЧЖ, "ALEKS-QURILISHSANOATMONTAJ" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига жавобгардир.

В связи переименованием ТСЖ "Лисунов коммунал" Хамзинского района г.Ташкента на ТЧСЖ "Лисунов коммунал" изменяется печать и штамп. Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по тел: 196-63-50

Утерянный диплом N 037563 об окончании Ташкентского Медицинского педиатрического института, выданный в 1995 г. на имя Надирову Бактияру Джуранулы считать недействительным.

ООО "Ахтанак-Сервис" — "AXTANAK-SERVIS" (код по ОКПО 19816827) Бектемирского района ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 195-83-52.

Утерянный технический паспорт Hyunday Sonata III, принадлежащий СП Салом Такси гос-.номер 10 AY 221. Нашедшего просим возвратить.

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди томонидан ажратилган грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Дорогие Малика и Севара с Юнусабадского района. Мы вас поздравляем с Днем рождением. Желаем вам всего хорошего и чтобы вы связались с нами мы потеряли Вас. Наш тел: 441-20-53, 340-78-05. Фуркат и Наргиза. Звоните, мы вас ждем!

ЧП "DIVA-KAPITAL" (код по ОКПО 20966644) М.Улугбекского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления по телефону: 65-27-04

Утерянный диплом N 713895 ГСПТУ-57 г.Ташкента выданный 1981 г. 20 июля на имя Хатамову Алишеру Абдурахимовичу считать недействительным.

Утерянный диплом ФВ N 946380 об окончании Ирригационного института г.Ташкента выданный в 1991 году на имя Морозову Владимиру Ивановичу считать недействительным.

"Маҳалла" жамғармаси Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси жамоаси Янги шаҳар маҳалласи фуқаролар йиғинига узоқ йиллар раислик қилган фидойи инсон **Райимқул МЕЛИҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Согласно постановления № 1127-1 от 18 апреля 2005 года ЦККФРЦБ РУз, компания "MS INTERTRADE LLP", расположенная по адресу: 19, Kathleen Road, London, SW 11 2 JR, UK, сообщает о намерении приобретения акций простых именных безналичных эмитента OAJ QK "O'ZSHAHARSOZLIK UTI" г.Таш. расположенного по адресу: ул.Навои, 18.

Количество приобретаемых акций — 1 581 769 штук.

Тип приобретаемых акций — простая именная безналичная.

Процент приобретаемых акций — 29,70% от Уставного фонда.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 7 февраль 6 (556)

18260 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-103 Топширилди — 21.45
23456